

Президент «Ҳаким ат-Термизий» мақбарасини зиёрат қилди



14:30 / 02.06.2021 2179

Маълумки, жорий йилнинг 1 июн куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли турмуш шароитлари билан яқиндан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига жўнаб кетган эди.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарёга ташрифи давомида бугун «Ҳаким ат-Термизий» мақбараси зиёратидан бошлади.

Зиёрат давомида яратгандан юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуолар қилинди. Зиёлилар билан суҳбатда аллома боболаримизнинг маърифий меросини чуқур ўрганиш, ёшларни билимли ва фазилатли инсонлар этиб тарбиялаш ҳақида сўз юритилди.